4. Исмоилов Н. Ўлимга маҳкум қилинганлар. Ўзбекистон нашриёти. -Т.: «O`zbekiston», 2008. 256-б.
5. Мухтор О. Аёллар мамлакати ва салтанати. Романлар ва ҳикоялар. – Т.: “Шарқ”, 1997. 239-б.

**РЕЗЮМЕ**

Мақолада ўзбек тилидаги отларнинг фоностилистик фоновариантларининг бадиий адабиётда фонографик тасвирланиши ва уларнинг рус тилидаги таржимаси ифодаланган.

**РЕЗЮМЕ**

Статья посвящается вопросам изучения фонографического оформления фоновариантов имён существительных в узбекском языке при переводе их на русский язык. В качестве практического материала были использованы отрывки из узбекской художественной литературы.

**SUMMARY**

The article is devoted to the study of the phonographic design of phonovariants of nouns in the Uzbek language when translating them into Russian. The practical material is presented by extrats from works of fiction in Uzbek literature.

## ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛШУНОСЛИГИДА ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАРНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

**О.Хайтбаев** –*ассистент ўқитувчи*
*Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти*
**Ш.Кудьярова** – *филология фанлари номзоди*
*Чет тиллари ва тадбиркорлик карьера университети, Қозоғистон Республикаси*

**Таянч сўзлар:** фразеологик ибора, фразеологик бирлик, фразема, фразеологик луғат.
**Ключевые слова:** фразеологическое выражение, фразеологическая единица, фразема, фразеологический словарь.
**Key words:** phraseological expression, phraseological unit, phraseme, phraseological dictionary.

Фразема камида икки мустақил лексик бирликдан тузилиб, тилда бир тушунчани ифодаловчи луғавий бирлик ҳисобланиб, тил қурилишининг луғат таркибига мансуб бўлади, одатда номинатив ва сигнификатив вазифа бажаради. Фразеология ҳар бир тил луғат таркибида муҳим ўрин тутади. Уларнинг маъно ва услубий хусусиятларини ҳар жиҳатдан тўлиқ тадқиқ қилиш тилшунослик учун қимматли маълумотлар беради.

Қорақалпоқ тилшунослигида фразеологик иборалар биринчи марта проф. Е.Бердимуратовнинг “Ҳозирги замон қорақалпоқ тили. Лексика” китобида ўрганилган. У фразеологик бирликларни эркин сўз бирикмаларидан фарқлаб кўрсатади. Муаллиф қорақалпоқ тилидаги фразеологик сўз бирикмаларини семантик бирикувчанлиги бўйича тўрт гуруҳга бўлиб ўрганади: фразеологик чатишма (фразеологиялық өтлесиўлер), фразеологик бутунлик ( фразеологиялық бирликлер), фразеологик қўшилма (фразеологиялық дизбеклер), фразеологик сўзлар (фразеологиялық сөзлер). Бу гуруҳларни лексик-семантик томондан бир-биридан ажратиб кўрсатади.

Грамматик қурилиши жиҳатидан проф. Е.Бердимуратов фразеологик ибораларни қуйидаги гуруҳларга ажратади:

1. Содда сўз бирикмаси шаклига эга бўлган фразеологизмлар.
2. Содда гап шаклига эга бўлган фразеологизмлар.
3. Қўшма гап шаклига эга бўлган фразеологизмлар.

Олимнинг юқоридаги асарида “фразеологик иборалар компонентларининг лексик-грамматик таркиби бўйича таснифи” ҳам берилган, шунингдек, фразеологик бирликларнинг услубий ўзига хосликлари ҳам кўрсатилган [1].

Проф. Е.Бердимуратов, А.Даўлетов билан ҳаммуаллифликда нашр қилган “ Тилшуносликка кириш” китобида ҳам фразеологик бирликларни алоҳида ўрганган. Фразеологик бирликларнинг етти хил ўзига хос белгиларини ажратиб кўрсатган. Шунингдек, ибораларнинг сўз туркумларига муносабати масаласида ҳам ўз фикрларини билдирган. Бу китобда ҳам фразеологик бирликлар семантик жиҳатдан юқоридаги каби тўрт гуруҳга ажратиб кўрсатилган [2:175-183].

Қорақалпоқ тилшунослигида фразеологик иборалар бўйича номзодлик диссертациялари ҳам ҳимоя қилинган С.Т.Наўризбоева қорақалпоқ тилидаги от фразеологик ибораларнинг тасниф қилиниши мезонларини белгилаган, уларнинг қорақалпоқча-русча луғатда берилиши тамойиллари ва усулларини аниқлаган, улар бўйича баъзи янги фикрлар билдирган [3].

Г.Б.Айназарованинг диссертацияси қорақалпоқ тилидаги икки компонентли фраземалар тадқиқига бағишланган. Ишда қорақалпоқ тили фразеологик бирикмалари тизимида алоҳида ўрнига эга бўлган ибораларнинг мазкур тури алоҳида бирлик сифатида ажратилади. Уларнинг бошқа типдаги фразеологизмлардан ажралиб турувчи асосий белгилари, яъни фонетик, грамматик, лексик-семантик ва услубий вазифасига кўра белгилари ҳар томонлама ўрганилиб таҳлил қилинган [4:24].

Ш.Абдуллаев “Таржима асарларида фразеологизмлар семантикаси (Т.Қайипбергенов асарларининг ўзбекча таржимаси асосида” мавзусидаги диссертацион ишида қорақалпоқ тилидан ўзбек тилига таржима қилишда фразеологик ибораларнинг берилиш усулига алоҳида тўхталган. Ибораларнинг эквивалентлик йўли билан таржима қилиш, ибораларни сўз воситасида, ҳамда сўзни ибора орқали таржима қилиш ҳолатларини таҳлил қилишга ҳаракат қилган ва бу бўйича айрим янги фикрлар баён қилган [5].

Тилшунос Ж.Ешбаев томонидан биринчи марта қорақалпоқ тили фразеологик ибораларининг қисқача луғати тузилган [6]. Луғатга қорақалпоқ тилида кўп ишлатиладиган иборалар қамраб олинган. Фраземалар бўйича ўша даврда қорақалпоқ тилида илмий тадқиқотлар кам бўлганлиги, бу соҳа кўпчилик учун тушунарли бўлмаганлиги сабабли олим луғатнинг бош қисмида фразеология ҳақида тушунча беради. Рус тилшуносларининг иборалар ҳақидаги айрим фикрларига муносабат билдиради. Фраземаларнинг маъно турлари ҳақида тўхталар экан, рус тилшуноси В.В.Виноградов, қозоқ тилшуноси К.Аханов ва ўзбек тилшуноси Ш.Раҳматуллаевларнинг фикрларига асосланиб, қорақалпоқ тилидаги фраземаларни ҳам уч турга ажратиб ўрганади. Булар: 1) фразеологиялық өтлесиў (фразеологик бутунлик); 2) фразеологиялық бирлик (фразеологик чатишма); 3) фразеологиялық дизбек (фразеологик қўшилма) [7]. Фразеологик ибораларнинг ҳар хил сўз туркумларининг хизматини бажариб келиши ҳамда уларнинг ясалиши тўғрисида ҳам ўз фикрларини билдирган. Нақл-мақоллар ва фразеологик ибораларнинг ўзаро ўхшашлик ва фарқли томонлари, фразеологик вариантлар, фразеологик синонимлар каби масалалар ҳам муаллиф томонидан ўрганилишга ҳаракат қилинган.

Тилшунос Т.Жумамуратов томонидан мактаб ўқувчилари учун русча-қорақалпоқча фразеологик ибораларнинг қисқача луғати тузилган [8]. Луғатда рус фразеологик иборалари уларнинг қорақалпоқча таржималари ёки эквивалентлари билан берилади, икки тилдаги иллюстратив мисоллар келтирилади, луғат

билан ишлашга доир методик кўрсатмалар берилади. Лексикографик манбалар, шу билан бирга луғат охирида машҳур инсонларнинг афоризмларга айланган қимматли фикрлари ҳам келтирилади.

Профессор Қ.Қощанов томонидан тузилган қисқача русча-қорақалпоқча фразеологик луғатда рус тилида унумли ишлатиладиган 640 та фразеологизм уларнинг қорақалпоқча эквивалентлари ва таржималари билан берилиб, қорақалпоқ тилида билим оладиган умумтаълим мактаблари, коллеж ўқувчилари ва талабаларнинг русча нутқини бойитишда катта аҳамиятга эга бўлди [9].

Доцент Г.Бекбергенова томонидан тузилган луғатда қорақалпоқ, рус ва инглиз тилларидаги маънолари ўзаро яқин ҳисобланган фразеологизмлар берилган [10].

Доцентлар Қ.Пахратдинов ва Қ.Бекниязовлар қорақалпоқ тилида кўп қўлланиладиган фразеологик ибораларнинг луғатини тузганлар [11]. 1985 йилда Ж.Ешбаевнинг юқоридаги луғатидан кейин анча йиллар ўтган бўлса ҳам бошқа изоҳли луғат тузилмаган. Олимлар жамоатчиликнинг талабини қондириш мақсадида бадиий асарлардан, оммавий ахборот воситаларидан тўплаган фраземаларни киритган ва уларнинг маъноларига тушунтириш берилган. Луғат изоҳли луғат эмас. Бунда иборалар берилиб, уларга қисқа тушунчалар берилган. Луғатда “сөзинде турды”, “сөзинде турмады”, “дыққат аўдарды”, “дыққат аўдармады”, “езиўин жыйды”, “езиўин жыймады” каби ибораларнинг бўлишли ва бўлишсиз шакллари ҳам алоҳида ибора сифатида келтирилган.

Қорақалпоқ тилидаги фразеологизмларнинг айрим масалалари бир қатор илмий мақолаларда тадқиқ қилинган [12:84-87]. Фразеологизмларнинг бадиий асарларда қўлланилиши бўйича бир қатор мақолалар эълон қилинди. Масалан, Е.Бердимуратов ва Г.Айназарованинг “Қирққиз достони лексикасида фразеологизмлар ва уларнинг икки компонентли турларининг қўлланилиши ҳақида [13:48-52]. Ш.Абдиназимовнинг “Бердақнинг фразеологик янгиликлари [14:108-109]. А.Қайиповнинг “Фразеологизмларнинг бадиий адабиётларда қўлланилиш ўзига хосликлари [15:111-112]. О.Ембергеновaнинг “Қаҳрамонлик достонларида фразеологик сўз бирикмалари орасидаги синонимик муносабатлар” [16:96-98]. “Қаҳрамонлик достонлардаги фразеологик синонимлар” [17:85-86] каби илмий ишлари шулар жумласидандир.

2011 йилда қорақалпоқ тилида “Қорақалпоқ тили фразеологиясининг актуал масалалари” номли тўплам нашр қилинган бўлиб, унда профессорлар О.Доспанов, Қ.Қошановлар; фан номзодлари – А.Пирниязова, С.Шинназарова, У.Ембергенов, Б.Юсупова, Б.Қурбанбаева, Н.Турабаева, Б.Шаниязовлар; тадқиқотчилар – Д. Ерлепесова, М. Қайипназарова, Ш. Қунназарова, М. Мамбетмуратова, Г. Мамбетова, А. Пирекеева, А.Садиқова каби тилшуносларнинг фразеологик иборалар тадқиқига бағишланган илмий мақолалари чоп этилган [18].

Қорақалпоқ тилшунослигида фразеологик иборалар алоҳида, монографик планда ҳам ўрганилган. 2015 йилда “Қорақалпоғистон” нашриётида Г.Айназарованинг “Қорақалпоқ тилида тенг икки компонентли фразеологизмларнинг лексик-семантик ва услубий хусусиятлари” номли монографияси нашр қилинди. Монографияда қорақалпоқ тилидаги тенг икки компонентли фразеологизмларнинг лексик, семантик, тематик ва маъно, услубий хусусиятлари ҳамда уларнинг бадиий асарларда қўлланилиш ўзига хосликлари тадқиқ қилинган [19]. Автор қорақалпоқ тилидаги эмоционал-экспрессив бўёғи кучли бўлган олқиш ва қарғиш маъносидаги тенг икки компонентли фразеологизмларни ҳам атаб кўрсатади.

Доцент Б.Юсупова 2014 йили “Қорақалпоқ тилининг фразеологияси” номли ўқув қўлланма нашр қилдирди. Тадқиқотда фразеологизмларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг турлари, ибораларнинг эркин сўз бирикмаларидан фарқли жиҳатлари, фразеологизмларнинг сўз туркумларига муносабати каби масалалар сўз қилинади. Шунингдек, уларни тузилишига кўра сўз бирикмаларига, содда ва қўшма гапга тенг фразеологизмларга ажратади.

Уларнинг кки компонентли, шунингдек, тенг икки компонентли, уч компонентли, тўрт ва ундан ортиқ компонентли бўлиб келиши кўрсатилган.

Фразеологик синонимия, фразеологик омонимия, фразеологик антонимия каби ибораларнинг маъно муносабатлари ҳам ўрганилган. Шунингдек, фразеологизмларнинг келиб чиқиши, этимологияси ҳақида ҳам фикр билдирилган [20].

Қорақалпоқ тилининг фразеологияси бўйича бирмунча иш қилинган бўлса ҳам, ҳали бу соҳа тўла ўрганилган, деб бўлмайди. Ҳозирги кунда қорақалпоқ тилининг изоҳли фразеологик луғатига эҳтиёж катта. Чунки 1985 йилда тузилган луғатдан кейин бу соҳада деярли илмий иш қилинмаган. Мазкур луғат ҳам камчиликлардан холи эмас. Кейинги даврдаги лингвистика соҳасидаги янгиликлардан фойдаланиб, кейинги тадқиқот усуллари асосида қорақалпоқ фразеологиясини чуқур тадқиқ қилиш тилшунослар олдида турган долзарб масалалардан биридир.

**Адабиётлар**


1. Бердимуратов Е. Хәзирги заман қарақалпақ тили. Лексика. – Нөкис: «Қарақалпақстан», 1964.
2. Бердимуратов Е., Дәўлетов Е. Тил билимине кириспе. -Нөкис: “Қарақалпақстан” 1988, 175-183-б.
3. Наурызбаева С.Т. Типы именных фразеологических единиц каракалпакского языка и их отражение в каракалпакско-русском словаре. АКД., 1967.
4. Айназарова Г.Б. Симметричные двухкомпонентные фразеологизмы в каракалпакском языке. Автореф. дис …. канд. филол. наук. –Нукус: 2000. -С. 24.
5. Абдуллаев Ш.Д. Таржима асарларида фразеологизмлар семантикаси (Т.Қайипбергенов асарларининг ўзбекча таржимаси асосида). Номз. дисс. автореф. –Т.: 2006.
6. Ешбаев Ж. Қарақалпақ тилиниң қысқаша фразеологиялық сөзлиги. –-Нөкис: 1985.
7. Ешбаев Ж. Қарақалпақ тилиниң қысқаша фразеологиялық сөзлиги. –Нөкис: 1985, 8-б.
8. Жумамуратов Т. Русско-каракалпакский краткий фразеологический словарь для школьников. –Нукус: 1985.
9. Кощанов К. Краткий русско-каракалпакский фразеологический словарь. –Нукус: 2012.
10. Бекбергенова Г. Қарақалпақ, рус хәм инглис тиллериндеги фразеологиялық сөз дизбеклериниң мәнилик сәйкесликлери. –Нөкис: ҚМУ. 2009.
11. Пахратдинов Қ., Бекниязов Қ. Қарақалпақ тилиниң фразеологизмлер сөзлиги. –Нөкис. «Қарақалпақстан». 2018.
12. Қәлендеров М. Қарақалпақ тилиндеги идиомалық ҳәм фразеологиялық синонимлер. // Вестник каракалпакского филиала АН Узбекистана. 1969 № 2, 84-87-б; Бекбергенов А. Фразеологиялық сөз дизбеклериндеги санлықлар. // Вестник каракалпакского филиала АН Узбекистана. 1970, №3. 71-77-б; Әбдимуратов Қ. Фразеологизмлер– тилимиздиң бай ғәзийнеси.//” Совет Қарақалпақстаны”, 1980. 17-январь; Турабаева Б. Қарақалпақ тилиниң фразеологизмлериндеги санлықлардың вариантлылығы. //Вестник каракалпакского филиала АН Узбекистана.1999, № 3. 35-36-б.
13. Бердимуратов Е., Айназарова Г. Қырық қыз дәстанының лексикасында фразеологизмлер ҳәм олардың еки компонентли турлериниң қолланылыўы ҳаққында. // ”Әмиўдәрья” 1998, № 1,2. 48-52-б.
14. Әбдиназимов Ш., Бердақтың фразеологиялық жаңашыллығы. // “Әмиўдәрья” 1998, № 1-2, 108-109-б.

15. Қайипов А., Фразеологизмларнинг бадиий адабиётларда қўлланилиш ўзига хосликлари. // “Амударё” 1998, № 1,2.111-112-б.
16. Ембергенова О., Қаҳрамонлик достонларида фразеологик сўз бирикмалари орасидаги синонимик муносабатлар. // “Амударё” 1997, № 7,8. 96-98-б.
17. Ембергенова О. Вестник Каракалпакского отделения АН Узбекистана. 1999. № 4,5. –С.85-86.
18. Қарақалпақ тили фразеологиясының актуал мәселелери. –Нөкис: «Қаракалпақстан», 2011.
19. Айназарова Г. Қарақалпақ тилинде теңлес еки компонентли фразеологизмлердиң лексика-семантикалық ҳәм стиллик өзгешеликлери. –Нөкис: “Қарақалпақстан”, 2015.
20. Юсупова Б. Қарақалпақ тилиниң фразеологиясы. -Тошкент: “Тафаккур қаноти”, 2014.

**РЕЗЮМЕ**

Мақола қорақалпоқ тилшунослигида фразеология масалаларининг ўрганилишига бағишланган. Фразеология масалалари кўпгина тилшунослар диққат марказида бўлган ва улар ишларининг муайян қисмини мазкур масалалар ташкил этади. Шунингдек, унда фразеологик синонимлар, омонимлар, антонимлар масалалари ҳам ўрганилган.

**РЕЗЮМЕ**

Статья посвящается изучению вопросов фразеологии в каракалпакской лингвистике. Вопросы фразеологии находятся в центре внимания многих лингвистов и занимают определённое место в их трудах. Рассматриваются также вопросы синонимиии, омонимии и антонимии фразеологических единиц.

**SUMMARY**

The article is devoted to the study of issues of phraseology in Karakalpak linguistics. Issues of phraseology remain in the centre of attention of many linguists and they take an honorable place in their research works. The author of the article also studies the synonymy, homonymy and antonymy of phraseological units.

.

# АТРИБУТИВ БИРИКМАЛАР СТАТИСТИК ПАРАМЕТРЛАРИ ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИ УСЛУБЛАРИ ДИФФЕРЕНЦИАЛ БЕЛГИЛАРИНИНГ ИФОДАЧИСИ СИФАТИДА

**Э.Хўжаниёзов –** *филология фанлари номзоди, доцент*
*Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти*
**А.Айтбаева**- *18 мактаб ўқитувчиси*

**Таянч сўзлар:** услуб, илмий услуб, бадиий услуб, атрибутив сўз бирикмалари, услублараро, услублар ичра, миқдор ва сифат параметрлари, экстралингвистик омил.

**Ключевые слова:** стиль, научный стиль, художественный стиль, атрибутивные словосочетания, межстилевой, внутристилевой, количественно-качественные параметры, экстралингвистический фактор.

**Key words:** style, scientific style, belles-lettres style, attributive word combinations, inter style, intra style, quantitative-qualitative parameters, extra linguistic factor.

Тил воситалари танланишининг содир бўлиши услуб ва тил элементларининг функционал ўзига хослиги тўғрисида фикр юритишга имкон беради. Чунки услубларнинг асосий дифференциал белгилари ва шу белгилар асосида юзага чиқувчи нисбий биқиқлиги (замкнутость) ҳам мана шу икки томоннинг маҳсули сифатидагина намоён бўлади.

Ҳар бир услуб тил бирликлариннинг тасодифий йиғиндисидан иборат бўлмасдан, балки маълум бир мақсад асосида таркиб топган, алоҳида нутқ ҳодисаси сифатида намоён бўлувчи система сифатида амал қилади. Демак нутқ структураси, стилистик қиёфаси, энг аввало, мана шу система сифатида таркиб топган тил элементларининг қўлланилиш частотасига боғлиқ. Бу ҳолат эса ҳар бир услубнинг сифат характеристикасини кўрсатувчи белгилардан бўлиб қолади. Демак, ўрганилаётган нутқ услубларининг тузилишини статистик метод асосида тадқиқ қилиш нутқ системасининг спецификасини аниқлашга, тил бирликларининг функционал моҳиятини очиб беришга жуда катта ёрдам берган бўларди. Бу ҳақда В. В. Виноградов 1938 йилдаёқ бундай деган эди: “По видимому в разных стилях книжной и разговорной речи, а также в разных стилях и жанрах художественной литературы частота употребления разных типов слов различна. Точные изыскания в этой области помогли бы установить структурно-грамматические, а отчасти и семантические различия между стилями. Но к сожалению, пока ещё этот вопрос находится лишь в подготовительной стадии обследования материала... Анализ всех грамматических категорий должен уяснить их относительный вес в разных стилях литературного языка” [1] Зотан, тилшуносликда, айниқса, услубшуносликда статистик методни қўллашнинг афзалликлари ва унинг самарадор усул эканлиги қатор ишларда қайд этилган [2].

Бу мақола ҳам миқдор ва сифат ўзгаришлара методидан фойдаланган ҳолда атрибутив бирикмаларнинг бир типи сифатида сифат+от бирикмаларнинг илмий ва бадиий нутқ услубларида қўлланилиш хусусиятларини изоҳлашга бағишланган. Чунки услубларнинг сифат фарқлари сўзга нисбатан сўз бирикмаларида ўз ифодасини топади [3].

Ҳозирги даврда ўзбек адабий тили доирасида илмий ва бадиий услублар ўзларининг лексик, морфологик ва синтактик хусусиятлари билан бир-биридан тубдан фарқ қилади. Чунки ўзбек халқи ҳаётида юз берган тарихий ўзгаришлар, маданият ва санъатнинг ўсиши, фан ва техниканинг ривожи, халқнинг илмий, маданий, ижтимоий-сиёсий савиясининг ўсиши унинг адабий тили функциясининг кенгайишига ва унинг услублараро дифференциация қилиниш жараёнининг кучайишига олиб келди. Бу ҳол синтаксисда ҳам ўз аксини топмай қолмайди, албатта. Биз В.В.Виноградовнинг юқоридаги фикридан келиб чиқиб, уни сифат+от типидаги бирикмалар мисолида кўрсатмоқчимиз.

Бунда содда атрибутив сўз бирикмаларининг услублараро дифференциация қилиниш жараёни ўзбек адабий тилининг ҳозирги кундаги ривожига мос бўлиши зарурлиги ҳисобга олинди. Аммо экстралингвистик фактор сифатида асар мавзуси нутқ элементларининг танланишига таъсири борлиги ёки йўқлигини аниқлаш мақсадидагина Ойбекнинг “Навоий” романидан бирмунча материал статистик таҳлил этилди. Тадқиқот натижаларининг ишончли бўлиши учун ўрганилаётган услубларнинг ҳар биридан тенг миқдорда 40 босма табоқ, ҳажмда матн танлаб олинди. Экстралингвистик омилларнинг услуб тузилишига қандай даражада таъсири борлигини аниқлаш мақсадида танланган текстлар ҳажмида ҳам бир хилликни сақлашга ҳаракат қилинди (ҳар бир муаллифдан 5 босма табоқ матн олинди). Ўз характери билан илмий насрга яқинлигини назарда тутиб, бадиий услубдан фақат муаллиф нутқи статистик таҳлилдан ўтказилди (бунда илмий нутқнинг монологик тузилиши ҳисобга олиниб, бадиий нутқдан ҳам шундай матнлар танлаб ўрганилди). Бадиий услубга оид материаллар атоқли ўзбек ёзувчиларидан Ойбекнинг “Навоий”, А.Қаҳҳорнинг “Синчалак”, О.Ёқубовнипг “Излайман”, Мирмуҳсиннинг “Умид”, С.Аҳмаднинг “Уфқ”, Ҳ.Ғуломнинг “Тошкентликлар”, Р.Файзийнинг “Ҳазрати инсон”, Шуҳратнинг “Шинелли йиллар” асарларидан олинди. Илмий услубнинг материали